

## Ипотека кредити ажратиш тўғрисидаги шартнома

№ \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ шахри

202\_ йил “\_\_\_\_\_”

“Гарант банк” акциядорлик жамиятининг \_\_\_\_\_ Амалиёт бошқармаси/банк хизматлари офиси (кейинги ўринларда – Банк) номидан Низом ҳамда 202\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Банк бошқарувчиси \_\_\_\_\_ бир томондан ва \_\_\_\_\_ да доимий (вақтинчалик) яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган, \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) (паспорт \_\_\_\_\_ \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йилда берилган) (кейинги ўринларда – Қарз олувчи) иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарз олувчига Ўзбекистон Республикаси, \_\_\_\_\_ вилояти (шаҳри), \_\_\_\_\_ тумани, \_\_\_\_\_ аҳоли пунктида умумий майдони \_\_\_\_\_ кв. метр, турар жой майдони \_\_\_\_\_ кв. метр бўлган \_\_\_\_\_ хонали уйни яқка тартибда қуриш / сотиб олиш учун ушбу шартномада назарда тутилган шартларда \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_ миллион \_\_\_\_\_ минг) сўм миқдорида мақсадли ипотека кредити маблағларини беради, Қарз олувчи ва Биргаликда Қарз олувчилар эса кредит беришнинг умумий қоидаларига риоя этган ҳолда ипотека кредитидан фойдаланади.

### 2. Асосий тушунчалар

2.1. Мазкур Шартномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Қарз олувчи** – кўп квартирали турар жойдан алоҳида турар жой / хонадон сотиб олиш учун ипотека кредити олиш мақсадида ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этган ва тўлов қобилияти мезонларига мос келувчи вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган жисмоний шахслар;

**биргаликда Қарз олувчи** – кўп квартирали турар жойдан алоҳида турар жой / хонадон сотиб олиш учун ипотека кредити олиш мақсадида ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этган ва тўлов қобилияти мезонларига мос келувчи Қарз олувчи билан солидар тартибда жавобгар бўладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган жисмоний шахслар;

**бошланғич бадал** – Қарз олувчи (ва биргаликда Қарз олувчилар) томонидан мазкур Шартномада назарда тутилган миқдор ва муддатларда банкнинг махсус ҳисоб рақамларида шакллантирилган пул маблағлари;

**ипотека** – белгиланган тартибда ер участкаси билан бирга қурилаётган уй-жой ипотекаси учун бериладиган ипотека кредити олиш мақсадидаги кўчмас мулк гарови;

**имтиёзли давр** – кредит бўйича асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилган давр;

**кредит берилган сана** – маблағларни ссуда ҳисоб рақамидан инжиниринг компанияси / сотувчининг депозит ҳисоб рақамига ўтказиш санаси;

**кредитни тўлаш санаси** – Қарз олувчининг Банк олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажаришига олиб келадиган ипотека кредити бўйича ҳисобланган фоизларнинг жами қолдиғини ва қарз қолдиғини қоплайдиган охириги тўлов тушган сана;

**кредит бўйича Қарз** – кредитнинг ҳаммаси ёхуд Қарз олувчи томонидан фойдаланилган ипотека кредитининг қолдиғи, тегишли ҳисоб рақамларида Қарз олувчига очилган ҳисоб рақамларидаги ипотека кредитидан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар.

### **3. Қарз олувчининг тасдиқномаси**

3.1. Қарз олувчи ушбу билан қуйидагиларни тасдиқлайди:

Банкка тақдим этилган ва/ёки этиладиган кредитни расмийлаштириш ва олиш учун ҳужжатлар ва маълумотлар бундай ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган санада ҳақиқий ва ишончли ҳисобланади;

Қарз олувчининг ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши Қарз олувчининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлишига олиб келади;

агар Қарз олувчи тўловларни амалга оширишга ёки ушбу шартномада белгиланган талаблардан исталганини бажаришга қодир бўлмаса Банк кредитни муддатидан олдин қайтаришни ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни, шунингдек бошқа тўловларнинг муддатидан олдин тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Шу билан бирга, Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредитни таъминлаш бўйича ва Қарз олувчининг бошқа мол-мулкига ундиришни қаратишга ҳақлидир.

### **4. Кредит суммаси ва кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси**

4.1. Сотиб олинаётган уй-жойнинг умумий қиймати \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қилади. Ипотека кредити суммаси \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сўмни ташкил қилади, бу сотиб олинаётган уй-жой қийматининг \_\_\_\_\_ фоизига тенгдир.

Қарз олувчи (Биргаликда Қарз олувчи)нинг бошланғич бадали \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни ташкил қилади, бу сотиб олинаётган уй-жой қийматининг \_\_\_\_\_ фоизига тенгдир.

4.2. Мазкур Шартнома бўйича Банк Қарз олувчига йиллик \_\_\_\_\_ фоиз ставкаси билан берилади.

4.3. Ипотека кредити бўйича фоизлар Банк томонидан ҳар куни ушбу шартноманинг 4.2-бандида белгиланган фоиз ставкасидан ва кредит берилган санадан бошлаб амалдаги кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда Қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамида Банк томонидан ҳисобга олинадиган кредит суммаси қолдиғига ҳисоблаб қўшилади.

4.4. Муддати ўтган қарздорлик учун кредит фоизи ўрнатилган фоиз ставкасидан 1,5 баробар оширилиб ҳисобланади.

### **5. Ипотека кредити бўйича таъминлаш**

5.1. Ушбу шартнома бўйича берилган кредит ер участкаси билан бирга сотиб олинаётган уй-жой ипотекаси билан белгиланган тартибда таъминланади.

5.2. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг бир нечта усуллари мавжудлиги ҳолати бир-бирига зид бўлмайди, мажбуриятларни бажаришнинг ҳар қайси усули мустақил ҳисобланади ва бир-бирига боғлиқ бўлмайди.

5.3. Зарурат бўлганда, ундиришни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни қаратишнинг усуллари танлаш ҳуқуқи Банкда қолади, у ўз хоҳишига кўра талабни усуллардан исталганига қўйиши ёки мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг барча

усулларига қўйиши мумкин.

5.4. Қарз оловчи кредитни таъминлашни кредит суммаси даражасида тутиш, Банк фойдасига кредит шартномаси амал қиладиган муддатга, ипотека предметини унинг тўлиқ қийматида йўқотиш ва шикастланиш хавфи юзасидан суғурта қилиш мажбуриятини олади.

5.5. Қарз оловчи кредитнинг қайтарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни зарур даражада расмийлаштириш бўйича ҳар қандай ҳаражатларни ўз зиммасига олади.

5.6. Кредитнинг таъминланишини белгилайдиган ҳужжатлар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## **6. Ипотека кредити бериш тартиби**

6.1. Кредит \_\_\_\_\_ дан иборат бўлган имтиёзли давр билан \_\_\_\_\_ муддатга берилади. Ипотека кредитидан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаш мазкур Шартномада кўрсатилган шарт ва муддатларда амалга оширилади.

Кредит бўйича тўловлар аннуитет-тенг миқдордаги ойлик тўловлар билан ёки асосий қарз тенг улушлар билан сўндириб борилади. Ушбу Шартноманинг иловаси ва ажралмас қисми бўлган Кредитни сўндириш графигига мувофиқ сўндириш даврийлиги ҳар ойнинг иккинчи (ойига камида бир марта) санасида амалга оширилади.

6.2. Банкнинг кредит бериш бўйича мажбурияти Қарз оловчи томонидан мазкур кредитни расмийлаштириш билан боғлиқ барча ҳужжатларни Банкка тўлиқ тақдим этгандан сўнг вужудга келади.

## **7. Ипотека кредитини тўлаш тартиби**

7.1. Кредит бўйича қарзни тўлаш учун Қарз оловчи томонидан йўналтириладиган тўловлар қуйидагича навбат билан тўланади:

муддати ўтган кредит асосий қарзи бўйича жарималарни тўлаш;

кредит бўйича тўлов муддати ўтган фоизларни тўлаш;

кредит бўйича тўлов муддати ўтган асосий қарзларни тўлаш;

муддатли фоизларни тўлаш;

кредит бўйича асосий қарзни тўлаш;

Қарз оловчининг бошқа тўлов мажбуриятларини тўлаш.

7.2. Қарз оловчи асосий қарзни ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлашни муддатидан олдин – ушбу шартномада белгиланган тўлов муддати бошлангунгача ёки тугагунгача амалга ошириш ҳуқуқига эга. Кредитни муддатидан олдин тўлашда Банк бирон-бир қўшимча воситачилик ҳақларини ундирмайди.

7.3. Қарз оловчи ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан ипотека кредитини қайтаради ва кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизларни мазкур Шартномада кўрсатилган шартлар ва миқдорларда тўлайди.

7.4. Қарз оловчи томонидан ипотека кредитини тўлаш:

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича бошқа даромадлар ҳисобига маблағларни нақдсиз шаклда ўтказиш;

нақд пуллар тўлаш;

маблағларни омонат қўйилмалар бўйича ҳисоб рақамларидан ўтказиш;

маблағларни пластик карточкалардан ўтказиш йўли билан;

пул маблағларини Қарз оловчининг иш берувчиси томонидан моддий ёрдам ва ипотека кредитини тўлаш учун ажратилган бошқа маблағлар ҳисобидан нақдсиз шаклда ўтказиш йўли билан;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

7.5. Агар ушбу шартнома бўйича исталган суммаларни тўлаш санаси иш куни

ҳисобланмайдиган кунга тўғри келса, у ҳолда ушбу суммаларни тўлаш кейинги иш кунидан кечикмай амалга оширилади.

## **8. Томонларнинг ҳуқуқлари**

### **8.1. Банкнинг ҳуқуқлари:**

8.1.1. Қарз олувчининг айби билан мазкур Шартномада кўрсатилган ҳужжатлар шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида тақдим этилмаган тақдирда ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш.

8.1.2. Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган уй-жой олди-сотди шартномасига асосан расмийлаштирилиб, Қарз олувчи томонидан қабул қилиб олинганидан кейин кредитдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида доимий мониторингни амалга ошириш ҳамда мониторинг давомида уй-жойни куриш жадвалларига амал қилиниши ҳамда кредитдан мақсадли фойдаланилиши, ипотека кредити ва у бўйича фоизларнинг тўланиши, гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уларни сақлаш қоидаларига амал қилиниши, ипотека предметининг ноқонуний бегоналаштирилишига йўл қўйилмаслиги юзасидан назоратни амалга ошириш.

8.1.3. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки лозим даражада бажармаслик ҳолатлари кузатилган тақдирда қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш:

Қарз олувчига мажбуриятларнинг бажарилмаслик ҳоллари бошланганлиги тўғрисидаги ёзма талабномани уни бартараф этиш муддатларини кўрсатган ҳолда юбориш;

ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини қўшимча равишда таъминланишини талаб қилиш;

Қарз олувчидан ушбу шартномада белгиланган тартибда кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш (қонун ҳужжатларида кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишнинг бошқача тартиби белгиланган тақдирда кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади);

ундирувни белгиланган тартибда кредит таъминотига қаратиш;

ушбу шартномани унда кўрсатилган тартибда бекор қилиш;

ушбу шартномага ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

8.1.4. Қарз олувчи / Биргаликда қарз олувчининг тўлов қобилияти ҳамда кредит таъминоти сифатига гаровга тақдим этилган мулкнинг ҳолати бўйича назоратни амалга ошириш ва Қарз олувчи томонидан бунга тўсқинлик қилмасликни талаб қилиш.

8.1.5. Ушбу шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқини бунга Қарз олувчининг олдиндан розилигини олмасдан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўзгага беришни амалга ошириш.

8.1.6. Қарз олувчидан гаровга қўйилган мулкни сақлаш бўйича зарур чораларни кўришни талаб қилиш.

### **8.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:**

8.2.1. Барча зарур ҳужжатлар Банкка тақдим этилгандан сўнг белгиланган миқдор ва муддатларда кредит ажратилишини талаб қилиш.

8.2.2. Кредитдан фойдаланиш ҳолати тўғрисида маълумот олиш ва кредит шартларини ўзгартириш бўйича таклифлар билан Банкка мурожаат қилиш;

8.2.3. Ушбу шартнома тузилган пайтдан бошлаб кредит маблағлари келиб тушгунга қадар бўлган даврда ҳеч қандай тўловларни тўламасдан кредит олишни рад этиш;

8.2.4. Банкнинг ёзма розилигига кўра мазкур Шартнома бўйича кредит қарздорлигини муддатидан аввал тўлаш.

## **9. Томонларнинг мажбуриятлари**

### **9.1. Банкнинг мажбуриятлари:**

9.1.1. Қарз олувчига ушбу Шартномада назарда тутилган шартлар ва тартибда кредит бериш;

9.1.2. Қарз олувчига кредит бериш жараёнида иштирок этувчи ҳисобварақлар ҳаракати ва ҳисоб-китоблар, комиссиялар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш бўйича кўчирмаларни тақдим этиш;

9.1.3. Қарз олувчи томонидан кредит тўлиқ қайтарилгандан сўнг, гаров предмети бўйича тақиқларни бекор қилиш учун нотариал органларга хатлар тақдим этиш.

### **9.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:**

9.2.1. Доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетадиган тақдирда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан илгари тўлиқ сўндириш.

9.2.2. Тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни белгиланган муддатларда тўлаш.

9.2.3. Банк талабига кўра Қарз олувчининг ушбу шартнома амал қиладиган бутун муддат мобайнидаги даромадлари ва гаров мулкнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни Банкка тақдим этиш.

9.2.4. Яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатларни ўзгарганлиги тўғрисида 5 (беш) кун мобайнида Банкка ахборот тақдим этиш.

9.2.5. Қарз олувчининг ташаббусига кўра кредит шартномасига ўзгартириш киритилганда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 5 (беш) баробари миқдорида тўловни амалга ошириш.

## **10. Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари**

10.1. Ушбу бандда қайд этилган ҳодисалардан исталгани мажбуриятларни бажармаслик ҳолати ҳисобланади:

Қарз олувчи томонидан кредит, фоизлар ва/ёки ҳамда бошқа тўловларнинг ушбу шартнома ва тўловлар жадвали бўйича амалга оширмаганлик;

Банкка ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар тақдим этиш;

Банк ҳулосаси бўйича Қарз олувчи томонидан тақдим этилган ҳар қандай таъминлашнинг ўз қимматини қисман ёки тўлиқ йўқотганлиги ёки ҳақиқий бўлмай қолганлиги;

Қарз олувчи тўлов қобилиятининг ёмонлашиши ёки ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг мунтазам равишда бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ ахборотнинг яширилиши;

ушбу шартнома шартларининг бузилиши;

ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар (ипотека, суғурта ва шу кабилар) шартларининг бузилиши.

## **11. Ундирувни кредит таъминотига қаратиш**

11.1. Банк ушбу шартнома ва ипотека тўғрисидаги шартнома шартлари билан гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли келиб чиққан талабларни ушбу мулк ҳисобига қондириш учун ундиришни мажбуриятларни таъминлаш сифатида гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақлидир.

11.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги қонунининг 23, 26 ва 28-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда Банк ипотека билан таъминланган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга, ушбу талаб бажарилмаган тақдирда эса - ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақлидир.

11.3. Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан олинган сумма Банк талабларини

қоплаш учун етарли бўлмаса, у қолган суммани Қарз олувчининг бошқа мол-мулкидан ундиришга ҳақли.

## **12. Алоҳида шартлар**

12.1. Банк ўз ихтиёрига кўра Қарз олувчига нисбатан ушбу шартнома бўйича ўзига тегишли бўлган ҳуқуқлардан исталганини қўллаши ёхуд қўлламаслиги мумкин.

12.2. Банк томонидан ушбу ҳуқуқларнинг қўлланмаслиги ёхуд қисман қўлланиши ушбу ҳуқуқлардан воз кечишни англатмайди ва улар келгусида исталган вақтда қўлланиши мумкин.

12.3. Ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи Банкка шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур Шартнома шартларини бажариш юзасидан ҳамда қонунчиликка зид келмайдиган бошқа мақсадларда Қарз олувчининг ҳар қандай маълумотларига ишлов бериш ва фойдаланиш ҳуқуқини беради.

## **13. Қўшимча шартлар**

13.1. Қарз олувчи томонидан кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган уй-жойни Банкнинг ёзма розилигисиз қурилганлиги ёки қайта режалаштирилганлиги учун Қарз олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

13.2. Кредит муддати мобайнида уй-жойни сотиш, ўзгага беришга, ижарага топширишга, текин фойдаланиш учун беришга, ипотека предмети манзили бўйича яқин қариндошларни ва учинчи шахсларни рўйхатдан ўтказишга Банкнинг ёзма розилигисиз йўл қўйилмайди.

13.3. Томонлар ушбу шартноманинг унга биноан тартибга солинмайдиган қисми юзасидан муносабатларини томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солади.

## **14. Форс-мажор ҳолатлари**

14.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг, тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар. Бунда тарафларнинг ҳеч бири, ажратилган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятдан ташқари, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

14.2. Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнғин, zilзила, портлаш, бўрон, ер қўчкиси, эпидемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари.

14.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда мажбуриятлар бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

14.4. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида 10 (ўн) кунлик муддатда ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

14.5. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

## **15. Шартноманинг амал қилиш муддати**

15.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Қарз олувчи кредит ва унинг фоизларини тўлиқ тўлагунча ҳамда томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилгунга қадар амал қилади.

## **16. Низоларни ҳал этиш**

16.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган келишмовчиликлар ва/ёки низоли вазиятлар юзага келган ҳолларда томонлар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал

қилган ҳолда, уларни музокаралар йўли билан ҳал қиладилар. Томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда низо Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун суд органларига ўтказилади.

16.2. Низолар келишув йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, ўз ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаётган тараф бошқа тарафга талабнома юборади. Талабнома тақдим этилган тараф, талабнома олинган кундан бошлаб 15 кун ичида унга жавоб беришга мажбурдир. Низолар бўйича келишувга эришилмаган тақдирда низо Банк хизматлари офиси жойлашган жойдаги судда кўриб чиқилади.

### **17. Яқунловчи қоидалар**

17.1. Ушбу Шартнома шартларининг ҳар қандай ўзгариши томонларнинг ўзаро келишуви билан амалга оширилади ва қўшимча келишув билан расмийлаштирилади. Ушбу Шартномага ҳар қандай қўшимча келишувлар, Банкнинг ваколатли вакилининг иштирокисиз тузилган бўлса ва ушбу келишувларда Банкнинг муҳри бўлмаса, юридик кучга эга бўлмайди.

17.2. Шартнома ўзбек тилида 2 (икки) нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирида сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик ҳужжат мақомига эга.

### **18. Томонларнинг реквизитлари**